

“АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими
Сувон Мелиевнинг 70 йиллик юбилейи муносабати
билин ўtkазилган Республика илмий-назарий онлайн
анжумани материаллари

70



III ШЎЬБА. БАДИЙ ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаева Ровияжон. Мустақил Ўзбекистонда таржимачилик муаммолари.....	102
Бўронова Барно. Таржимада паремиологик бирликларни услубан мослаштириш.....	114
Атаджанов Гуломжон. Мақоллар таржимасида миллий рухни саклаб қолиш муаммоси.....	117

IV. ШЎЬБА. ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Mirzayeva Salimaxon, Mashrapova Gulsanam. Safar – “Malika ayyor” dostonining o‘zak motivi sifatida.....	119
Турғунов Шерали. Ҳарбадошми, ҳарипдош?.....	123

V ШЎЬБА. АДАБИЙ ЖАРАЁН, АДАБИЁТ ЎҚИТИШ, МУЗЕЙШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

Kenjayev T.A. Fitrat she’riyatida poetik tafakkurning yangilanish va talqin etish tamoyillari.....	126
Ёкубова Севинч. Фитратона поэтик талқинлар	131
Шукурова Гули. Матёқуб Қўшжоновнинг жанг хотиралари туркуми.....	134
Шукурова Барчин. Луқмон Бўрихон ҳикояларида эстетик идеалнинг намоён бўлиши	137
Xidirova Munavvara. Ijod jarayoni sirlari yoxud Tog‘ay Murod saboqlari	141
Jo‘rayev Shukrullo. So‘z san’ati va mahorat saboqlari	144
Yangibayeva Nodira. Biografik metodning adabiyotshunoslik tarixida o‘rganilishiga doir.....	147
Абдуллаева Шоҳиста. Михайл Булгаков ҳаёти ва ижодига доир қузатишлар	150
Sobirova Mohira, Sultonova Vazira. Adabiyot darsliklari haqida mulohazalar.....	155
Жумабоев Олимжон. Ҳозирги ўзбек насрода рамз.....	159
Рафикова Дилдора. Ўзбекистон музейларида инновацион бошқарувни ташкил этишнинг афзалликлари	161
Alimova Z. Luqmon Bo‘rixon ijodi haqida ayrim mulohazalar	164
Мирҳайдарова Нодира. Ўзбек тилида “маънавият” умумий семали лексемаларининг тадқик муаммолари	166
Тошпўлатов Муҳаммадқодир. “Инсонлик истарман ҳаёт боғида”	169

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти эркин тадқиқотчиси

Ғуломжон АТАДЖАНОВ,

**МАҚОЛЛАР ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ
РУҲНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУАММОСИ**

(Кенгесбой Каримовнинг “Оғабий” романни таржимаси мисолида)

Таржимон аслиятдан таржима қилар экан, ўша тилни, ўша тилдаги мақол, матал, ҳикматли сўз ва фразеологик бирликларни билиши зарур. Мақол ва маталларга муқобил сўз топа олиши, энгасосийси таржимон мақолларнинг миллий руҳини сақлаб қолиши зарур. Мақоллар маънавий-ахлоқий қимматга эга бўлиб, уларда фикр образли ва аниқ ифодаланади. Қарақалпоқ ёзувчиси бирликлар мавжуд. Қарақалпоқ тили ўзбек тилига яқин бўлганлиги боис мақол ва маталларида мазмун жиҳатдан деярли фарқ йўқ, аммо баъзи жойларида мақоллар нотўғри таржима қилинган ёки таржима жараёнида тушиб қолган ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин.

Аслиятда: “Қашқан да алла дейди, қуўған да алла дейди”¹¹⁷ (25) ушбу мақолни таржимон ўзбек тилига Қочган ҳам Худо дейди, қувган ҳам”¹¹⁸. Таржимон Рустам Мусурмон роман матнида учрайдиган бу каби мақолларни тенг эквивалентлик асосида таржимада тўғри йўл тутган. Бу мақол ўзбек тилида ҳам шундай айтилади, шунинг учун сўзма-сўз таржима қилган дейишдан йироқмиз. Сабаби ўзбек тилида кўлланиладиган мақоллар қорақалпоқ тилида ҳам кўп кўлланилади.

Аслиятда: “Кепин кийген келмес, кебенек кийгеннен умит бар” (150) Мазкур мақолни мутаржим “Каған кийган келмас, кебенек кийгандан умид бор” деб таржима киласди. “Кебенек” сўзи ўрнига “Кебанак” сўзи кўлланганда ҳам тўғри бўлар эди. “Кебанак” сўзи умумтуркий сўз ҳисобланади. Ушбу миллий реалия чакмон, енгил, паҳтаси камроқ чапон маъносини беради, демак, мутаржим бу сўзни ҳам ўринли кўллаган. Шунингдек, мазкур “Кебанак” сўзи “Алпомиш” достонида ҳам учрайди. Ёзувчи ўз тилида мавжуд бўлган мақол, маталлардан фойдаланаар экан, унинг мақсади асарнинг тилини бойитиш, бадиий қимматини ошириш ва бой мазмунини қисқа, аниқ шаклда беришдан иборат. “Бўлингани бўри ер”, “Меҳмон отангдек улуг”, “Гумон иймондан айрар” ва бошқа кўплаб ўзбек тилида ҳам кўлланиладиган, бир-бирига мос мақоллар бор. Бу мақоллар аслиятда ҳам худди шундай берилади. Лекин қорақалпоқ миллийлигига хос ва мос “Кўчган ерда косовинг қолади”, “Бош ёрилса, бўрк ичинда, қўл синса, енг ичинда” (85-бет), “Қизни ким сўрамайди, қимизни ким ичмайди” (222-бет) каби мақоллар кўлланилади. Буларни аслият билан қиёслаб кўрамиз.

Аслиятда: “Бас жарылса бөрк ишинде, қол сынса жең ишинде”, “Кошкен жерде көсеүин қалады” (55-56 бет) “Қызды ким айттырмайды, қымызди ким ишпейди” (150-бет) Тўғри, бу мақолларни ҳам худди аслиятдагидек таржима қилган. “Муқобил таржима қилинганда асар тили ўз жозибаси ва бадиий жилосини сақлаб қолади. Таржимада сўзнинг эмас, маънонинг кетидан Қувиш керак”¹¹⁹ – деган эди таржимон устозимиз Эргаш Очилов. Бироқ бу мақоллар қорақалпоқ ҳалқида ҳам кўп кўлланилади ва айнан шу мақоллар қорақалпоқ ҳалқининг миллийлигига айланган. Устоз Файбулла Саломов таъбири билан айтганда, паремиологик бирликларни қардош тиллардан таржима қилганда фақатгина ҳижжалаш асосидаги таржимага эмас, балки тилда мавжуд муқобил вариантлардан ҳам ўринли фойдаланиш ҳисобига ўғириш мумкин.

Ўзбекча таржимада: – Оғир бўлса, нимаям қилардим. “Бошингга тушса, чўпон бўласан” дейишади. Кўтаравераман-да, болам (165-бет).

¹¹⁷ Каримов К. “Ағабий” тарихий рамони. – Н: “Билим”, 2013.

¹¹⁸ Каримов К. “Оғабий” тарихий рамони. – Т: Faafur Ғулом номидаги наширёт-матбаа ижодий уйи, 2020.

¹¹⁹ Ochilov E. Tarjimashunoslik terminlarining izohli lug’ati. – Toshkent, 2014. – В. 257.

Аслиятда: – Аўыр болса қәйтемен. “Басыңа түссе баспақшы боласаң ” деген. Көтөре бересең балам(110-бет). Қорақалпоқ халқыда бошига иш тушса, бундан бошқа чора йўқ бўлса айнан шу мақол ишлатилади. Ўзбек тилида эса “Бошга тушганни кўз кўрар” деган мақол қўлланилади. Таржимон бу мақолнинг ўрнига ўзбекча муқобил вариант қўлламасдан, айнан аслиятдаги мазмуннинг ўзини берган. Натижада сўзма-сўз таржимага таянган ҳолда қорақалпоқ халқига хос этнографик хусусиятларни акс эттирувчи янги мақол ҳосил қилган. Таржимоннинг ютуғи ҳам айни шунда, яъни таржима тамойилларига мақсадли ва тўғри ёндашиш. Айни маънода “Фразеологик бирликлар, мақол, матал барчаси халқ ижодиёти маҳсули бўлиб, улар халқ, миллат, элатларнинг турмуши тарзи ва ҳаёт фаолиятини яққол ифодаловчи омиллар бўлиб хизмат қиласади”¹²⁰. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таржимон Рустам Мусурмон “Оғабий” романидаги мақолларни таржима қилишда аслият руҳини тўғри акс эттира олган. Ўзбекча таржимадаги мақолларда қорақалпоқ миллий руҳини бера олган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов К. “Ағабий” тарихий романы. – Н: “Билим”, 2013
2. Каримов К. “Оғабий” тарихий романы. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги наширёт-матбаа ижодий уйи, 2020.
3. Ochilov E. Tarjimashunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent, 2014
4. To‘xtaxo‘djaeva N. Badiiy tarjimada lingvokulturemalarning ifodalanishi. – Toshkent, 2013.

¹²⁰ To‘xtaxo‘djaeva N. Badiiy tarjimada lingvokulturemalarning ifodalanishi. – Toshkent, 2013. – В. 12.